

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЛАРГА ШЕЪР ЁД
ОЛИШНИ ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ****Турсунова Феруза Саъдуллаева***Фаргона вилояти Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази
"Мактабгача, бошлангич ва махсус таълим методикалари" кафедраси ўқитувчиси*

Болалар учун ёзилган шеърий асарлар мазмуни ўз характери жиҳатидан турличадир. “Болажон” таянч дастурида тавсия этилган адабиётлар рўйхатида ўқиб бериш ва ёдлатиш учун шеърлар кўрсатилган.

Болалар билан шеър ёдлашда тарбиячи ўз олдига бирданига бир неча вазифаларни: шеърга нисбатан қизиқиш ва уни билиш истагини уйғотиш; умуман шеър мазмунини, айрим қийин жой ва сўзларни тушуниб олишга ёрдам бериш; эса сақлаб қолишига эришиш; тингловчилар олдида шеърни ифодали ўқишга ўргатиш; поэзияга нисбатан муҳаббат тарбиялаш вазифаларини қўяди.

Ёдлатиш учун шеър танлашда шуни ҳисобга олиш керакки, шеър ҳажми жиҳатидан унча катта бўлмаслиги, кичик гуруҳларда 1-2 банддан ошмаслиги, катта гуруҳларда сал каттароқ бўлиши лозим. Болалар бир ой ичида ўрта ҳисобда 1-2 шеърни (машғулотда) ёд оладилар. Баъзи асарларни (эртаклар, ашулалар, санашлар) болалар сайр, ўйин жараёнида беихтиёр эслаб қоладилар. Тарбиячи болалар билан яқка иш олиб бориш учун улардан қайсилари тез, қайсилари секин, қайсилари пухта, қайсилари бўш ёд олишларини яхши билиши керак.

Биринчи кичик гуруҳда болаларга дастлаб қофиядош нутқ ўргатилади. Тарбиячи гуруҳча билан ўйнаш вақтида болаларга парча, шеърларни ҳаракатлари билан ўқиб беради. Кейинчалик тарбиячи болаларнинг унга парчаларнинг, шеърларнинг сўзларини айтишга ёрдам беришларига эришишга интилади.

Кичик гуруҳларда ўтказиладиган машғулотларда кўрсатмалилик, ўйин ҳаракатлари, овозга тақлид қилиш ва ҳоказо усуллардан кенг фойдаланилади. Масалан, А. Бартонинг «Тойчоқ» шеърини ёдлатиш.

Машғулотнинг мақсади: Болаларни шеърнинг мазмуни билан таништириш, унинг маъносини тушунишга ва ёд олишга ёрдам бериш. Болаларни ўз ўртоқлари олдида шеър айтишга ўргатиш.

Болалар учун ёзилган шеърий асарлар мазмуни ўз характери жиҳатидан турличадир. “Болажон” таянч дастурида тавсия этилган адабиётлар рўйхатида ўқиб бериш ва ёдлатиш учун шеърлар кўрсатилган.

Болалар билан шеър ёдлашда тарбиячи ўз олдига бирданига бир неча вазифаларни: шеърга нисбатан қизиқиш ва уни билиш истагини уйғотиш; умуман шеър мазмунини, айрим қийин жой ва сўзларни тушуниб олишга ёрдам бериш; эса сақлаб қолишига эришиш; тингловчилар олдида шеърни ифодали ўқишга ўргатиш; поэзияга нисбатан муҳаббат тарбиялаш вазифаларини қўяди.

Ёдлатиш учун шеър танлашда шуни ҳисобга олиш керакки, шеър ҳажми жиҳатидан унча катта бўлмаслиги, кичик гуруҳларда 1-2 банддан ошмаслиги, катта гуруҳларда сал каттароқ бўлиши лозим. Болалар бир ой ичида ўрта ҳисобда 1-2 шеърни (машғулотда) ёд оладилар. Баъзи асарларни (эртаклар, ашулалар, санашлар) болалар сайр, ўйин жараёнида беихтиёр эслаб қоладилар. Тарбиячи болалар билан якка иш олиб бориш учун улардан қайсилари тез, қайсилари секин, қайсилари пухта, қайсилари бўш ёд олишларини яхши билиши керак.

Биринчи кичик гуруҳда болаларга дастлаб қофиядош нутқ ўргатилади. Тарбиячи гуруҳча билан ўйнаш вақтида болаларга парча, шеърларни ҳаракатлари билан ўқиб беради. Кейинчалик тарбиячи болаларнинг унга парчаларнинг, шеърларнинг сўзларини айтишга ёрдам беришларига эришишга интилади.

Кичик гуруҳларда ўтказиладиган машғулотларда кўрсатмалилик, ўйин ҳаракатлари, овозга тақлид қилиш ва ҳоказо усуллардан кенг фойдаланилади. Ўрта гуруҳда шеър ёдлатишда кичик гуруҳдаги усуллар: ўйинчоқ, буюмни кўрсатиш, ўйин ҳаракатлари ва бошқа усуллар қўлланилади. Лекин аста-секин ўйин усуллари ўқилган шеър устида суҳбатлашиш билан алмашинади.

Катта гуруҳларда мавзуси жиҳатидан ҳар хил шеърлар ёд олдирилади. Улар табиат, байрамларимиз, катталарнинг меҳнати, болаларнинг ҳаёти ва бошқалар ҳақидаги шеърлардар. Тарбиячининг вазифаси фақат болаларнинг шеърни ёд олишларига ёрдам беришгина эмас, балки уни онгли, эмоционал тарзда идрок қилишларига эришиш ҳамдир. Тарбиячи «Болажон»дастурида ёд олиш учун тавсия этилган шеърларнинг айримлари билан болаларни олдиндан, расмларни кўздан кечиришда, суҳбат вақтида, экскурсиянинг охири ва ҳоказоларда таништириш мумкин. Масалан, тарбиячи баҳорда боққа экскурсия қилинган пайтда Ш. Саъдулланинг «Баҳор» шеърини ўқиб беради суҳбатда (мактабга тайёрлов гуруҳида) Қ.Ҳикматнинг «Менинг Ватаним» шеърини ўқиш мумкин. Кейинчалик нутқ ўстириш машғулотларида уларни ёдлатиш мумкин. Бундай олдиндан таништириш болаларга шеърини асарнинг маъносини тушуниб олишга, уни ҳис этишга ёрдам беради.

Машғулот бошида болаларни шеърни идрок этишга тайёрлаш учун улар билан қисқача муқаддима суҳбати ўтказиш лозим. Агар болалар бу шеърни олдинги машғулотларда эшитган бўлсалар, тарбиячи уларга муқаддима суҳбатида саволлар ёрдамида қаерга экскурсияга борганликлари ёки қандай расмни кўздан кечирганликлари ва қандай шеър ўқиб берилганини эслатади.

Агар болалар шеърни биринчи марта эшитаётган бўлсалар, муқаддима суҳбатида тарбиячи саволлардан ташқари шеър мавзусига тааллуқли суратдан, баҳор гулдастасидан ёки кузги барглари ва бошқалардан ҳам фойдаланади. Тарбиячи болалар билан 2-3 минут давомида, масалан: куз ҳақида, болалар бундай чиройли кузги барглари қаердан терганлари тўғрисида гаплашади ва улардан кузда боғда нималарни кўрганликлари ва ҳоказоларни сўрайди. Бундай суҳбатдан сўнг тарбиячи

бирданига шеърни ифодали қилиб ўқишга киришади. Кейин шеърнинг номини, ким ёзганлигини айтади.

Тарбиячи болаларга шеърни ўқиб бергач, суҳбат ўтказади: бу шеърнинг нима ҳақида ёзилганлигини, болаларга шеърнинг қаери ёққанлигини сўрайди, болаларга ёққан сатрларни такрор ўқиб беради. Кейин тарбиячи болаларга шеърни ёдлашни таклиф этади, ўзи ҳам такрор ўқийди(шеърнинг мураккаблигига қараб 2-3 марта ўқийди). Тарбиячи дастлаб тез эслаб қоладиган болаларни, ундан кейин эса ўзи олдиндан белгилаб қўйган болани чақиради.

Болаларни шеърни ифодали ўқишга ўргатишга алоҳида аҳамият бериш лозим. Тарбиячи суҳбат вақтида болаларга байрамлар ҳақидаги шеърларнинг севинч билан, куз ҳақидаги шеърларнинг эса бир оз ғамгин оҳангда айтилиш сабабларини тушунтиради. Шеър ёдлатиш машғулотини ўтказиш пайтида қуйидаги қоидаларни унутмаслик лозим: шеърни тарбиячининг ўзи ёд билиши керак, шеърнинг ҳаммаси(сатрлари ёки бандларини эмас) ўрганилади, шеър ҳеч қачон хор билан ёд олинмайди, болалар уни яқка тарзда такрорлайдилар; шеър ўқишда тарбиячи матнни айтиб туради (сўз ёки сатрни), болаларга ўтирган жойларнда шеър сатрларини айтишга йўл қўяди ва ҳоказо. Машғулотни жуда ёрқин ижро билан: ифодали ўқийдиган болани чақириб, болаларнинг у билан бирга янги шеър айтадиган севимли ўйинчоқларини олиб кириш билан тугаллаш лозим.

Машғулотнинг иккинчи қисмида (шеър ёдлаш машғулотнинг ҳамма вақтини олмайди) бирор ҳикояни такрор ўқиш, тез айтишларни такрорлаш, овоз нутқ маданиятига хос ўйин ёки машқ ўтказиш мумкин. Шеърни нутқ ўстиришга доир бир неча машғулотларнинг иккинчи қисмида шеърни ролларга бўлиниб, қисмларга ажратиб, «Давомини айт» ўйинини ўйнаб ва бошқа усуллардан фойдаланиб такрорланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Sabirdinov, A. (2019). Sketches to the novel “Night and day” by Chulpan. Scientific journal of the Fergana State University, 1(6), 119-120.
2. Sabirdinov, A. G. (2021). Interpretation of Characters in Utkir Hoshimov’s Story “Yanga”. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 8(6), 196-200.
3. Sabirdinov, A. (2020, December). ASKAR KASIMOV IN THE UZBEK POETRY OF THE XX CENTURY THE ROLE AND IMPORTANCE OF CREATION. In Конференция.
4. Sabirdinov, A. G. (2021). Interpretation of the banned period in the stories of Naim Karimov. Asian Journal of Multidimensional Research, 10(11), 4-91.
5. Сабирдинов, А. Г. (1993). Слово и образ в поэзии Айбека.

6. Oripova, G. (2019). **UZBEK POETRY AND THE WORLD LITERATURE IN THE YEARS OF INDEPENDENCE**. Scientific Journal of Polonia University, 32(1), 116-120.
7. Oripova Gulnoza Murodilovna. (2019). **THE PECULIARITIES OF VAZN METER IN UZBEK POETRY OF THE INDEPENDENCE PERIOD**. International Journal of Anglisticum. Literature, Linguistics and Interdisciplinary Studies. Volume: 8 /Issue:2/. – Macedonia, 2019. –P.33-39.
8. Murodilovna, O. G. (2020). **Melody and musicality in Lirycs**. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11), 656-664.
9. Oripova G. M., Tolibova M. T. Q. **Composition Of Modern Uzbek Stories //The American Journal of Social Science and Education Innovations**. – 2021. – T. 3. – №. 03. – C. 245-249.
10. Oripova, G. (2020, December). **RHYTHM AND MYTHING IN LYRICAL GENRE**. In Конференции.
11. Oripova, G. (2019) "Traditions of folk ballads and distinctiveness of uzbek poetry of independence period," Scientific journal of the Fergana State University: Vol. 2 , Article 12.
12. Oripova, G. M. (2021). **Genesis And Essence Of Genre Concept**. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(12), 90-94.
13. Oripova, Gulnoza, & Ibrohimova, Gulchiroy (2022). **SIROJIDDIN SAYYID IJODIDA MUMTOZ MUSHTARAKLIKLAR**. International scientific journal of Biruni, 1 (2), 251-255.
14. Oripova, Gulnoza Murodilovna, Akhmadjonova, Okila Abdumalikovna, Kholmatov, Oybek Umarjon Ugli, & Muminova, Tabassum Siddigovna (2022). **INTERPRETATION OF MOTHER IMAGE IN LITERATURE**. International scientific journal of Biruni, 1 (2), 304-309.
15. Oripova, Gulnoza, & Alijanova, Maftuna Azimjon Qizi (2022). **ASQAD MUXTORNING “CHINOR” ROMANIDA AYOL PORTRETINING BADIY-PSIXOLOGIK ASOSLARI**. International scientific journal of Biruni, 1 (2), 221-226.
16. Oripova, Gulnoza Murodilovna, & Abdurasulova, Nafisa Abdumannob Qizi (2022). **O’ZBEK NASRIDA URUSH MAVZUSI VA “YO’QOTILGAN AVLOD” MUAMMOSI**. International scientific journal of Biruni, 1 (2), 213-220.